

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.3/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**ШАНАСИРОВА НОДИРА АБДУЛЛАЕВНА**

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР  
ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Шанасирова Нодира Абдуллаевна**

Соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисоби ва аудитини  
такомиллаштириш.....

3

**Шанасырова Нодира Абдуллаевна**

Совершенствование учета и аудита расходов в учреждениях  
здравоохранения .....

21

**Shanasirova Nodira Abdullayevna**

Improving accounting and audit of expenses at healthcare institutions  
.....

39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

44

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.3/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**ШАНАСИРОВА НОДИРА АБДУЛЛАЕВНА**

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР  
ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2017.2.PhD/Iqt391 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш вебсаҳифаси ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Каримов Незматулла Фатхуллаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Холбеков Расул Олимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Мамадияров Дилшод Уралович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Ётақчи ташкилот:** **Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2021.1.16.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 21 май соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-01-49, (99871) 239-43-51. e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1131 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй, Тел: (99871) 239-28-72; 239-01-49. факс: (99871) 239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «4 май» кuni тарқатилди.  
(2022 йил «7 май» даги 12 рақамли реестр баённомаси).



**Н.Х. Жумаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Т. Бердияров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**С.К. Худойкулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшмадаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисоби ва унинг назоратига бағишланган илмий тадқиқотлар таҳлилида, ресурсларни тўғри тақсимлаш, харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилиш орқали тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишга эришилган. Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида харажатлар ҳисобини шаффоф ва аниқ юритиш мақсадида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “ҳар бир бемор учун қилинган харажатларни тўғри ҳисоблаш, умумий харажатларни харажат объектлари ўртасида тақсимлаш, техника ва технология харажатларини калькуляция моддалари бўйича таннархга олиб бориш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиб, кўрсатилган тиббий хизматларга билвосита ва харажатлар ҳисобини юритиш бўйича хулосалар шакллантирилган”<sup>1</sup>. Умуман, соғлиқни сақлаш муассасаларида маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишини назорат қилиш, жумладан, ички аудитни самарали ташкил қилиш бугунги кунда муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Дунё амалиётида соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисобини юритиш, кўрсатилган хизматлар таннархига харажатларни тақсимлаш, ресурслар ҳисобини юритиш, харажатларни келтириб чиқарувчи омилларни тўғри аниқлаш, миқдорлар билан боғлиқ харажатларни оптималлаштириш, операция ва даволашга кетган вақт ва реал ресурслар сарфи бўйича алоҳида ҳисоб юритиш, операция (даволаш)га тайёрлагунча бўлган стандарт харажатлар ҳамда операция (даволаш) харажатлари ҳисобини оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда, короновирус билан касалланган ҳар бир беморга сарфланадиган харажатларни оптималлаштириш, харажатларни объектлар ўртасида тўғри тақсимлаш ҳамда назоратини юритиш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш муассасаларида ички аудит, молиявий назорат ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикада соғлиқни сақлаш муассасаларида маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишини назорат қилиш, харажатларни калькуляция моддалари бўйича тўғри тақсимлаш, аудитни самарали ташкил қилиш бугунги кунда асосий масалалардан бири ҳисобланади. Шу боис, ташкилотларда “бухгалтерия (бюджет) ҳисоби юритилишини, молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини, молиявий ресурслардан мақсадли ва қонуний фойдаланилганлигини ҳамда даромадларнинг тўлиқлигини, шунингдек, молиявий операцияларнинг

---

<sup>1</sup> Health system efficiency. How to make measurement matter for policy and management. Copenhagen: WHO Regional Office for Europe, 2016.

конунийлигини баҳолашни назарда тутувчи молиявий аудит” ўтказиш”<sup>2</sup> вазифаси белгиланган. Бу эса, соғлиқни сақлаш муассасалари бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги ПФ-6300-сон “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сон “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизминини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 майдаги 280-сон “Ички аудит хизмати ходимларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришда хорижий давлатлар иқтисодчи олимларидан В.Д. Андреев, Э.А. Аренс, А.М. Богомолов, Т. Собуа, А.В. Федотов, А.А. Ушаков, Л.П. Курочкина, Н.А. Рябконь, В.В. Авдеев, А.Л. Колесник кабиларнинг илмий ишлари эътиборга лойиқдир<sup>3</sup>. Республикамиз иқтисодчи олимларидан А.К. Ибрагимов, А.А. Каримов, Н.Ф. Каримов, Б.Қ. Ҳамдамов, К.Б. Аҳмеджонов, А.Н. Тураев, Б.Б. Сугирбоева, Б.И. Тўйинов, С.У. Меҳмоновлар илмий асарларида харажатлар ҳисоби ва аудитнинг айрим муаммолари ва ташкилий жиҳатлари тадқиқ этилган<sup>4</sup>. Юқорида қайд этилган иқтисодчилар томонидан соғлиқни сақлаш

<sup>2</sup> “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги ПФ-6300-сон “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.

<sup>3</sup> Андреев В.Д. Внутренний аудит. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 464 с.; Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит. Пер. с англ. Гл. ред. серии. UNCTC проф. Я.В. Соколов – М.: Финансы и статистика, 2001. – 560 с.; Богомолов А.М. Внутренний аудит. Организация и методика проведения. – М.: Экзамен, 2000. – 192 с.; Собуа Т. Организация и методика внутреннего аудита хозяйствующих субъектов. Автореф. дисс. на соиск. ученой степени к.э.н. Воронеж. 2009. – 23 с.; Федотов А.В. Бухгалтерский учет и контроль расходов по содержанию государственных учреждений здравоохранения Краснодарского края [Электронный ресурс]: дис. ... канд. экон. наук: Москва -2007, Ушаков А.А. “Бухгалтерский учет и аудит эффективности использования средств муниципальных учреждений здравоохранения” диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Ростов-на-Дону -2012, Рябконь Н.А. “Организация бухгалтерского учета доходов и расходов в учреждениях здравоохранения в условиях смешанного финансирования” диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук.-2009, Авдеев В.В. Учет и налогообложение в рамках обязательного медицинского страхования 2010-24-28с. Колесник А.Л. Организация и методика проведения внутреннего аудита распорядителями средств федерального бюджета. Дисс. к.э.н. Москва. 2017. С-45.

<sup>4</sup> Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлар ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2002. – 41 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2009. – 32 б.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида

муассасаларида харажатлар ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинмаган. Шу боис, соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисоби ва аудитини ташкил қилиш, уни такомиллаштириш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, диссертация мавзусини танлаш ва йўналишини белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг “Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ, ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

амалдаги ҳолатни ўрганган ҳолда ички аудит хизматининг мақсади, вазифаси ва функцияларидан келиб чиқиб ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

соғлиқни сақлаш муассасаларида дори-дармон воситаларини бухгалтерия ҳисобини юритиш ва назоратини ташкил этиш бўйича ўрганишлар ўтказиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

бюджет маблағлари ва пулли хизматлардан тушган маблағлар ҳисобини ҳамда аудитини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тиббиёт муассасаларида асосий воситаларни тугатиш қиймати нормасини ўрганиш ва нормани белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

асосий воситалар билан боғлиқ харажатларни оптималлаштириш мақсадида тиббиёт муассасасида фойдаланиладиган асосий воситаларни гуруҳларга ажратиш орқали ҳисобини юритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тиббиёт муассасаларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, асосий воситаларни доимий янгилаб бориш ҳамда реал қолдиқ қийматини аниқлаш, маънавий эскириш ҳисобини юритиш мақсадида тугатиш қийматини нормалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

ички аудит дастури ва унинг таркибини ўрганиш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

---

ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2007. – 36 б.; Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2007. – 33 б.; Аҳмеджанов К.Б. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ички аудит методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2016. - 76 б. Тураев А.Н. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш. . И.ф.д. дисс. автореферати. - Тошкент, 2019. 276. Тўйинов Б. И. Олий таълим ташкилотларида ички аудитни қўллашнинг услубий жиҳатлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 2018.1-8 бет. Меҳмонов С.У. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт – Т.: Iqtisod va moliya. 2016. 136 б

соғлиқни сақлаш муассасаларида ички аудит хизматининг ҳисобдорлиги бўйича ўрганишлар асосида асосланган таклиф ва тавсиялар шакллантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Республика ихтисослаштирилган илмий амалий травматология ва ортопедия тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, Невро-Мед Сервис ва Medik-AS хусусий клиникаси фаолиятлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган молиявий иқтисодий муносабатларни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида илмий абстракциялаш, мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, монографик тадқиқот, маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш муассасаларида дори-дармон воситаларини бухгалтерия ҳисобини юритиш ва назоратини ташкил этиш нуқтаи назаридан ишлатилмай қолган, сақланиш муддати тугаган дори-дармон воситалари бўйича йўқотишларни давр харажатларида акс эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

соғлиқни сақлаш муассасаларида дори-дармон воситаларини турига қараб табиий йўқотиш нормасини 3-5 фоизда белгилаш таклиф этилган;

соғлиқни сақлаш муассасаларида ички аудит ҳамда молиявий назорат хизматларини алоҳида ташкил этиш ҳамда ички аудит хизмати бюджет маблағлари билан биргаликда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳам аудит ҳулосасини беришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

тиббиёт муассасаларида фойдаланиладиган тиббий ускуналарнинг маънавий эскиришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг тугатиш қийматини 10 фоиз этиб белгилаш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

пулли хизмат кўрсатадиган тиббиёт муассасалари асосий воситаларига амортизация ҳисоблашнинг камайиб боровчи қолдиқли, бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб амортизациялаш усуллари қўллаш таклиф этилган.

ички аудит дастурида бюджет маблағлари ва улар бўйича ҳулоса бериш билан бирга бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда уларнинг кирими ва ишлатилиши ҳолатини текшириш бўйича алоҳида банд киритиш мақсадга мувофиқлиги таклиф этилган;

тиббиёт соҳасидаги асосий воситаларни маънавий эскиришини ҳисоблаш учун улар фақат тиббиёт муассасасида фойдаланиладиган ва умумфойдаланиладиган каби гуруҳларга бўлиш орқали ҳисобини юритиш таклифи асосланган;

асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллари қўллаш, асосий воситаларни тугатиш қийматини белгилаш тизимини йўлга қўйиш таклифи амалиётга жорий қилиниши таклиф этилган.



**Олинган натижаларнинг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан, муайян меъёрий ҳужжатлар, тегишли идора ва ташкилотларнинг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Республика ихтисослаштирилган илмий амалий травмотология ва ортопедия тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, Невро-Мед Сервис, Medik-AS хусусий клиникаси амалиётларида жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисоби ва аудити ҳамда молиявий назорат хизматини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда илмий-услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисоби ва аудити ҳамда молиявий назорат хизматини такомиллаштириш, шунингдек, мустақил илмий тадқиқотлар олиб бориш, илмий лойиҳа, олий ўқув юртларида «Бухгалтерия ҳисоби», «Аудит», «Иқтисодий таҳлил», «Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби» сингари фанларнинг ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва унинг амалий базасини мустаҳкамлаш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Соғлиқни сақлаш муассасалари харажатлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

соғлиқни сақлаш муассасаларида дори-дармон воситаларини бухгалтерия ҳисобини юритиш ва назоратини ташкил этиш нуқтаи назаридан ишлатилмай қолган, сақланиш муддати тугаган дори-дармон воситалари бўйича йўқотишларни давр харажатларида акс эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги таклифи Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 12-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 июлдаги 08-09/7608-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида яроқлилиқ муддати тугаган дори-дармонлардан йўқотишларни бухгалтерия ҳисобига харажат сифатида тан олиш ва шу асосда ҳисобдан чиқариш таъминлаган;

соғлиқни сақлаш муассасаларида дори-дармон воситаларини турига қараб табиий йўқотиш нормасини 3-5 фоизда белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 12-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 июлдаги 08-09/7608-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида амалиётда қўлланилиши натижада муддати ўтиш эҳтимоли мавжуд бўлган дори-дармонлар камайиши ҳисобига харажатлар 3% камайишига эришилган;

соғлиқни сақлаш муассасаларида ички аудит ҳамда молиявий назорат хизматларини алоҳида ташкил этиш ҳамда ички аудит хизмати бюджет маблағлари билан биргаликда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳам

аудит хулосасини бериш таклифи Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 12-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 июлдаги 08-09/7608-сон маълумотномаси). Натижада ички аудит ҳамда молиявий назорат хизматлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар алоҳида бўлиши таъминланиб, ички аудит хизмати алоҳида ташкил қилиниши таъминланган, шунингдек тиббий хизматдан тушган маблағлар назорати шаффофлиги оширилган ҳамда бюджет маблағи ва бошқа маблағларни ички аудитдан ўтказиш самарадорлиги таъминланган;

тиббиёт муассасаларида фойдаланиладиган тиббий ускуналарнинг маънавий эскиришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг тугатиш қийматини 10 фоиз этиб белгилаш таклифи Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 12-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 июлдаги 08-09/7608-сон маълумотномаси). Натижада, муассаса асосий воситаларни жисмоний эскириши билан бирга уларни маънавий эскириши ҳисобини юритиш йўлга қўйилган, амортизация харажатларининг 5% камайишига олиб келиши билан бирга, фойдали хизмат муддати тугагандан кейинги реал қийматини шакллантириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий нашрларда 6 та, Scopus базасига киритилган журналларда 2 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, илмий-амалий конференцияларда 6 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матнининг асосий ҳажми 130 бетни ташкил этади.


## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Соғлиқни сақлаш муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган

биринчи бобида Соғлиқни сақлаш муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар таркиби ва унинг шаклланишини ўзига хослиги ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларида ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этишнинг назарий-ҳуқуқий асослари ўрганилган.

Республикада соғлиқни сақлаш муассасаларига давлат томонидан ажратилаётган маблағлар йилдан - йилга ортиб бориб, соғлом турмуш ва аҳоли фаровонлигининг ўсишига хизмат қилмоқда (1-расм).



**1-расм. Соғлиқни сақлаш тизимига давлат томонидан ажратилган маблағлар сарфи (млрд.сўм)<sup>5</sup>**

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг ҳиссаси йилдан-йилга ортиб бормоқда, ушбу ўсиш суратини биз қуйидаги жадвал ёрдамида кўришимиз мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети харажатлари таркибида соғлиқни сақлаш харажатларининг улуши (млрд.сўм)<sup>6</sup>**

Кўрсаткичлар номи	Йиллар				
	2017	2018	2019	2020	2021
Давлат бюджети харажатлари	49346,3	79736,1	118008,6	153725,2	168382,4
Соғлиқни сақлаш харажатлари	7034,1	9585,9	14977,4	20752,9	21047,8
Давлат бюджети харажатлари таркибида соғлиқни сақлашнинг улуши, фоиз	14,3	12,0	12,7	13,5	12,5

Юқоридаги кўрсаткичлар шуни кўрсатмоқдаки, соғлиқни сақлаш тизимига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар сарфи, асосан

<sup>5</sup> Stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>6</sup> <https://stat.uz>. Сайти маълумотлари асосида тузилган.

бюджет ташкилотларига маблағларни йўналтирилиши ҳисобига амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш, болалар ва бошқа ижтимоий-маданий ташкилотларда овқатланишга кетадиган харажатлар қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган ташкилотларнинг айрим турлари учун белгиланган овқатланиш меъёрлари овқатланиш қунининг сонидан келиб чиқиб ҳисобланади, бунда:

дори-дармонларга кетадиган харажатлар қонун ҳужжатлари билан белгиланган пул харажатлари меъёрига қараб: стационарларда - ҳар бир жой кунга, шифохоналарда - шифокорга ҳар бир киришга белгиланади, агар қонун ҳужжатларида бошқаси кўрсатилмаган бўлса;

ижтимоий-маданий ташкилотларни айрим гуруҳи учун кийим-кечак, пойафзал, чойшаб, ётиш анжомлари ва бошқа юмшоқ буюмлар сотиб олишга кетадиган харажатлар, моддий таъминотнинг амалдаги меъёр нормалари асосида, лекин ажратилган маблағлар доирасида, ҳисоб ишлари амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатларнинг шаклланиши ўзига хос хусусиятга эга, яъни, харажатлар таркиби жиҳатдан аниқ режалаштиришни талаб этсада, улар реал факт асосида ҳисобга олиб борилади. Бу эса, беморлар таркиби, сони ва бошқа шунга ўхшаш соҳанинг ўзига хослиги билан бевосита боғлиқ.

Шу боис фикримизча, соғлиқни сақлаш муассасаларида бухгалтерия ҳисобини юритишда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

ишлатилган ва ишлатилмай қолган дори-дармон воситалари ҳисобини тўлиқ ва тўғри юритилишини таъминлаш;

асосий воситаларнинг эскириши, жумладан маънавий эскиришини ҳисобга олиб бориш;

кутилмаган ва кўзда тутилмаган харажатлар бўйича ўз вақтида харажатларни режалаштириш ва оператив ҳисоб юритилишини таъминлаш;

ҳужжатлаштириш ва ҳисобот ишларини ўз вақтида ҳамда тўғри юритилишини таъминлашда тармоқ хусусиятини ҳисобга олиш.

Ички аудит ва молиявий назорат тушунчаларига оид ўрганишлар аксарият ҳолларда хўжалик юритуви субъектлар, корхоналар фаолияти тизимидаги ички аудитга тегишли. Таъкидлаш жоизки, давлат секторида ички аудитни ташкил қилиш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Биз томонимиздан, бюджет ташкилотлари, жумладан, соғлиқни сақлаш муассасаларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бюджет ташкилотларида ички аудит - бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузиш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, активларнинг бут сақланишини, талон-торож қилиш ҳоллари ва хатоликларни аниқлаш ҳамда олдини олиш тизими деган таъриф берилди.

Молиявий назорат эса, бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузиш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, активларнинг бут сақланишини, талон-торож қилиш ҳоллари ва хатоликларни аниқлаш ҳамда тегишли тартибда ҳуқуқий баҳо бериш тизимидир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, соғлиқни сақлаш муассасаларида ички аудит ва молиявий назорат хизматини унинг номини аниқ ифодалаган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Чунки бугунги кунда соғлиқни сақлаш муассасаларида фақат ички аудит ўтказилиши, аммо, хизматнинг номи ички аудит ва молиявий назорат деб номланиши ҳам назарий-услубий томондан нотўғри эканлигини кўрсатади.

Бугунги кунда хизмат номланиши ички аудит ва молиявий назорат хизмати деб номлансада, Соғлиқни сақлаш муассасаларида ички аудит ва молиявий назорат хизматининг мақсади, вазифаси ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ажратиш лозим. Бунда муассасаларда ички аудит хизматини алоҳида ташкил этиш ҳамда молиявий назорат хизматини алоҳида ташкил этиш лозим.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ички аудит хизмати давлат томонидан бюджет маблағлари ҳисобига хизмат кўрсатиши ҳамда пулли хизмат кўрсатиш бўйича ҳам ўз хулосасини тақдим этиши лозим. Бунда фақатгина давлат томонидан ажратилган маблағларнигина эмас, балки пулли тиббий-хизмат кўрсатишда ҳам талон-торожликларга йўл қўйилмайди.

**Диссертациянинг «Соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш» деб номланган иккинчи бобда** соғлиқни сақлаш муассасаларида дори-дармон воситалари билан боғлиқ харажатлар ҳисобини юритиш, биргаликда молиялаштиришда харажатлар ҳисобини юритиш тартиби ва соғлиқни сақлаш муассасаларида асосий воситалар ҳисобини юритиш ўрганилган. Олиб борган тадқиқотлар натижасида соғлиқни сақлаш муассасаларида мавжуд дори-дармонларни харид қилиш, сақлаш ҳамда ишлатиш билан боғлиқ масалалар ҳамда уларнинг ҳисобини аниқ меъёр билан тартибга солиш, муддати ўтган дори-дармонларни ҳисобдан чиқариш тартибини тўлиқ ишлаб чиқиш, ҳамда татбиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида дори-дармон ва бошқа товар-моддий захиралар билан боғлиқ харажатлар ҳисобини юритишда бир мунча мунозарали масалалар мавжуд. Олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатдики, соғлиқни сақлаш муассасаларида мавжуд дори-дармонларни харид қилиш, сақлаш ҳамда ишлатиш билан боғлиқ масалалар ҳамда уларнинг ҳисоби аниқ бир меъёр билан тартибга солинмаган. Жумладан, муддати ўтган дори-дармонларни ҳисобдан чиқариш тартиби тўлиқ ишлаб чиқилмаган ҳамда татбиқ этилмаган.

Дори-дармонларни ҳисобдан чиқарилиши ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра қуйидагича хулосага келинди:

1. Соғлиқни сақлаш муассасаларида беморлар эҳтиёжи учун харид қилинган ва муддатида ишлатилмаган дори-дармон воситаларини бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий назоратни ташкил этиш нуқтаи назаридан алмаштириб туришга рухсат бериш, яъни, дори-дармон воситалари яроқлилик муддатига 1 йил қолганда мазкур дорини тегишли тартибда дорихоналарга сотиш ёки бошқа шунга ўхшаш яроқлилик муддати узокроқ бўлган дори-дармонларга алмаштириш ҳуқуқини бериш лозим.

Бунда дорихоналарга топширилган дори-дармонлар 1 йил давомида сотилиш эҳтимоли катта бўлиб, соғлиқни сақлаш муассасаларида яроқлилик муддати ўтиб кетишини олди олинади ҳамда муассаса харажатлари тежалади.

2. Маълум сақланиш муддатида ишлатилмай қолган дори-дармон воситалари бўйича йўқотишларни давр харажатларига ҳисобдан чиқариш мақсадга мувофиқ. Бунда йўқотишнинг табиий нормасини 3-5 фоиз атрофида белгилаш лозим.

Биз соғлиқни сақлаш муассасаларидаги харажатлар таркибини ҳам ўрганиб чиққан ҳолда биргаликда молиялаштиришда бухгалтерия ҳисоби бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларимизни баён қиламиз (2-жадвал).

## 2-жадвал

### “Республика ихтисослаштирилган Кардиология Илмий-амалий Тиббиёт маркази” харажатлари таркиби

Харажатлар	2018	2019	2020	2020 йил 2018 йилга нисбати	2020 йил 2019 йилга нисбати
Асосий воситалар эскириши	1563196484	1812971387	2734448598	174,9	150,8
Иш ҳақи ва ижтимоий солиқ харажатлари	9036688141	11346301376	13710948943	151,7	120,8
Коммунал тўловлар	329006137	628083359	577168030	175,428	91,9
Жорий таъмирлаш харажатлари	824888244	139284859	1795162646	217,6	1288,8
Товар-моддий қийматликлар	10219262151	11549282133	16008382244	156,6	138,6
Бошқа харажатлар	574709678	880677391	906035695	157,7	102,9
Номоддий актив амортизацияси	548860267	548860267	40391551	7,4	7,4
<b>Жами (хизмат харажатлари)</b>	<b>23096611102</b>	<b>26905460772</b>	<b>35772537707</b>	154,9	133,0
Асосий воситалар амортизация	14779794	17181003	41128444	278,3	239,4
Иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар	980308024	1125152563	1366556845	139,4	121,5
Қўшилган қиймат солиғи	290254	436100	633300	218,188	145,219
<b>Жами (маъмурий харажатлар)</b>	<b>995378072</b>	<b>1142769666</b>	<b>1408318589</b>	141,5	123,2
Курс фарклари	99840951	987321503	11604663	11,6	1,2
Бошқа молиявий харажатлар	9079172	15344121	2422390	26,7	15,8
Бошқа операцион харажатлар	1060674023	1253975827	1371401184	129,3	109,4
<b>Ҳаммаси</b>	<b>25261583320</b>	<b>30304871889</b>	<b>38566284533</b>	<b>463,97</b>	<b>382,52</b>

Ўрганишлар ва жадвал маълумотлари асосида шундай хулосага келишимиз мумкинки, бюджет ташкилоти бўлиши тиббиёт муассасасида харажатлар қайси маблағлар ҳисобидан қилинганлиги келтирилмаган. Бундай харажатлар на ички иш юритиш ҳужжатларида на ҳисоботда ўз аксини топган.

Шу боис фикримизча, пулли хизматлар кўрсатиш ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилганда уларнинг ҳисобини юритишдан куйидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

харажатлар ҳисобини алоҳида юритиш, бунда пулли хизматлардан тушган маблағлар ҳисобидан қилинган харажатлар ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан қилинган харажатлар ҳисобини алоҳида юритиш мақсадга мувофиқ;

асосий восита ва бошқа қийматликларни харид қилиш, таъмирлаш ва бошқа харажатларини ҳам хизматлардан тушган маблағлар манбаини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим.

Асосий воситаларнинг корхона балансида бўлиши ушбу корхона томонидан маълум бир ишлаб чиқариш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этилиши ҳамда унинг кенгайтирилишига бевосита боғлиқ. Аммо, асосий воситаларнинг кам ёки кўплигига қараб корхонанинг ривожланишига, барқарорлигига, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг даромадлигига баҳо бериб бўлмайди. Яъни, асосий воситалар ҳолатига баҳо беришда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки иш бажаришнинг тармоқ хусусиятини инобатга олиш лозим.

Масалан, ишлаб чиқариш корхонасида асосий воситаларнинг қиймати умумий активлари қийматининг жудаям кам қисмини ташкил қилсада, унинг жорий активлари айланмаси, фойда суммаси мавжуд асосий воситадан фойдаланиш ҳисобига юқори бўлиши мумкин. Аксинча, хизмат кўрсатиш корхонасининг асосий воситалари активлар таркибидаги улуши юқори бўлсада, унинг жорий активлари айланмаси ва фойдаси кам бўлиши мумкин. Шу боис, корхонадаги асосий воситалар ҳисобини ҳамда ундан фойдаланиш даражасини ҳисоблаш учун тармоқ хусусиятидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Аммо, шуни эътиборга олиш керакки, асосий воситалар амортизацияланадиган актив бўлганлиги боис, улардан самарали фойдаланиш, амортизацияни тўғри ҳисоблаш корхона харажатларига таъсир қилиши унинг даромадларига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида асосий воситаларнинг аксарияти беморларни текшириш ёки даволашда қўлланилиб, бевосита инсонларга хизмат кўрсатиш жараёнида қўлланилади. Шу боис, 5-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида келтирилган мезонларга мос келиши билан соғлиқни сақлаш муассасалари асосий воситаларидан самарали фойдаланишига ёки харажатларга тўғри олиб борилаётганлигига баҳо бериб бўлмайди.

Давлат тиббиёт муассасаларида асосий воситаларга тўғри чизиқли усулда амортизация ҳисобланиши амортизация харажатлари тақсимотига салбий таъсир кўрсатиб, амортизация харажатларини бажариладиган иш ва хизматларнинг таннархига тўғри ва аниқ ўтказилишига тўсқинлик қилади. Фикримизча, соғлиқни сақлаш муассасаларида амортизация ҳисоблашда хўжалик юритувчи субъектларда қўлланиладиган барча усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Доимий, туну-кун ишлатиладиган асосий воситаларга бажарилган ишлар ҳажмига муносиб равишда амортизация ҳисоблаш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, соғлиқни сақлаш муассасаларида асосий воситаларга тугатиш қиймати белгиланмаган. Асосий воситанинг бошланғич қиймати асосида эскириш ҳисобланган. Бу эса, ўз - ўзидан жорий амортизация харажатларини ошишига олиб келган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Соғлиқни сақлаш муассасаларида асосий восита амортизация харажатларига тугатиш қийматини белгилашнинг таъсири<sup>7</sup>

Тугатиш қиймати белгиланмаган асосий воситага ҳисобланган амортизация				Тугатиш қиймати белгиланган асосий воситага ҳисобланган амортизация					
Асосий воситанинг бошланғич қиймати	Амортизация нормаси, %	Йиллик амортизация суммаси	Асосий воситанинг қолдиқ қиймати	Асосий воситанинг бошланғич қиймати	АВнинг тугатиш қиймати	Амортизация ланадиган қиймат	Амортизация нормаси	Амортизация суммаси	Асосий воситанинг қолдиқ қиймати
350000	20	70000	280000	350000	40000	310000	20	62000	288000
350000	20	70000	210000	350000	40000	310000	20	62000	226000
350000	20	70000	140000	350000	40000	310000	20	62000	164000
350000	20	70000	70000	350000	40000	310000	20	62000	102000
350000	20	70000	0	350000	40000	310000	20	62000	40000

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, асосий воситанинг бошланғич қийматига нисбатан, тугатиш қийматининг 40 миллион сўм қилиб белгиланиши, асосий воситанинг бошланғич қиймати 350 миллион сўм бўлганда, асосий восита амортизация харажати 70 миллион сўмдан, 62 миллион сўмга тушишига олиб келмоқда. Яъни, амортизация харажатлари камаймоқда. Соғлиқни сақлаш муассасасида асосий воситаларга тугатиш қийматини белгилаш ҳисобига бу кўрсаткич ўртача, асосий воситалар билан боғлиқ харажатларни 10 фоиз атрофида камайишига олиб келади.

Асосий воситалар тугатиш қийматини меъёрий ҳужжатларда аниқ акс эттирилмаслиги ҳам ҳисобда шу каби камчиликларни келтириб чиқариб, амортизация суммасини ошишига олиб келмоқда. Фикримизча, асосий

<sup>7</sup> Муаллиф ишланмаси



воситаларга тугатиш қийматини тахминий меъерий миқдорини соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисоб сиёсатида белгилаш ҳамда амортизацияланадиган қиймат ҳисоблашда ҳисобга олиш лозим.

